

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.ФМ/К/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВ МАХМУД МУРАТОВИЧ

**Карбоксил гуруҳи тутган полимерларни олиш, уларнинг физик-
кимёвий хоссаларини ва қўлланилиш соҳаларини ўрганиш**

**02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар
(кимё фанлари)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ (DSc) АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017 йил

УДК 541.64:128.1-126:542.8.(021)

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) наук
Contents of dissertation abstract of doctor (DSc) of sciences

Каримов Махмуд Муратович

Карбоксил гуруҳи тутган полимерларни олиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ва қўлланиш соҳаларини ўрганиш5

Каримов Махмуд Муратович

Синтез, исследование физико-химических свойств и областей применения карбоксилсодержащих полимеров28

Karimov Mahmud Muratovich

Synthesis, investigation of physical-chemical properties and application fields of carboxylcontaining polymers53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works57

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.ФМ/К/Т.36.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВ МАХМУД МУРАТОВИЧ

**КАРБОКСИЛ ГУРУҲИ ТУТГАН ПОЛИМЕРЛАРНИ ОЛИШ,
УЛАРНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИНИ ВА
ҚЎЛЛАНИЛИШ СОҲАЛАРИНИ ЎРГАНИШ**

**02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар
(кимё фанлари)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ (DSc) АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2017 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/K11 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polchemphys.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Бабаев Тўйғун Мирзаахмедович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Магруппов Фарход Асадуллаевич
кимё фанлари доктори, профессор

Каримов Аминжон Каримович
кимё фанлари доктори, профессор

Рафиқов Адхам Салимович
кимё фанлари доктори, профессор

Ётақчи ташкилот:

Ўсимлик моддалар кимёси институти

Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/K/T.36.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «14» ноябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б уй. Тел.:(+99871)241-85-94, факс: (+99871)241-26-60, e-mail: polymer@academy.uz.)

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақами билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б уй. Тел.:(+99871)241-85-94).

Диссертация автореферати 2017 йил « ___ » _____ куни тарқатилди.
(2017 йил « ___ » _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

С.Ш.Рашидова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор, академик

Н.Р.Воҳидова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, к.ф.д., катта илмий ходим

В.О.Кудишкин

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда табиий ва синтетик полимерларни кимёвий модификациялаш, тиббиёт, биология ва ветеринарияда қўллаш учун янги полимерлар синтез қилиш долзарб муаммолардан биридир. Бугунги кунда юқори молекуляр бирикмалар кимёси, фармакология ва ветеринария экспериментал усулларининг ривожланиши полимерлар синтези шароитларини, тузилишини, олинаётган полимерларнинг хоссаларига ва ҳосил бўлиш шароитларига, дори воситаларининг тузилишига турли омилларнинг таъсирларини ўрганиш имконини бермоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда чорвачиликни тубдан ривожлантиришга ҳамда чорва молларига зарар келтирадиган касалликларни даволаш ва профилактика қилишнинг замонавий чора-тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида, муайян натижаларга, айниқса, янгича ёндашувларга асосланган, юқори самарадор дори воситалари олишнинг илмий асосларини яратишга эришилди. Таъкидлаш жоизки, республикаимизда ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқариш етарли даражада эмас. Шунинг учун импорт ўрнини босувчи, давомли таъсир этувчи ва кам зарарли антипротозой дори воситаларини яратиш ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш муҳим ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида: «саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тезлаштириш» бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу борада полимерлар асосида ветеринарияда ишлатиладиган дори воситалари ва ион алмашинувчи материаллар олишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ишлатилиш соҳаларини кенгайтириш алоҳида аҳамият касб этади.

Жаҳон миқёсида турли тармоқларда, жумладан, машинасозлик, енгил саноат, тиббиёт ва бошқа соҳаларда полимер материаллар ишлатилиш ҳажмининг кенгайиши ва ошиши сабабли сунъий полимерлар ишлаб чиқаришга талаб ортмоқда. Шу сабабли кимёвий барқарор, механик пишиқ, яхши ион алмашиниш ва тиббий-биологик хоссаларга эга бўлган полимер ва полимер материалларини олишда: саноат миқёсида ишлаб чиқариладиган хомашёлардан фойдаланиш, маҳсулот олиш технологиясининг соддалигига, олинган маҳсулотларнинг комплекс хоссаларга эга бўлиши ва ишлатилиш соҳаларининг кенглигига алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июндаги ПҚ-916-сон «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар», 2009 йил 11 мартдаги ПҚ-1071-сон «Кимё саноати корхоналари қурилишини жадаллаштириш ва янги турдаги кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури» Қарорлари ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожланти-

риш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹.

Карбоксил гуруҳи тутган полимерлар, тиббий-биологик полимерларни поликомплекслар ҳолида олишга қаратилган, кинетикасини илмий-амалий, уларнинг ҳосил бўлиш механизмларини ва физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, University of Cincinnati, California Institute of Technology (АҚШ), Kyoto University, Tokyo Institute of Technology (Япония), University of Torino (Италия), Darmstadt Technical University, Fraunhofer Photocatalysis Alliance, Institute of New (Германия), Technical and Macromolecular Chemistry (Австралия), Catalytic Materials Science (Хитой), Albors University of Medical Sciences (Эрон), Эритмалар кимёси институтида, Юқори молекуляр бирикмалар институтида, Москва давлат университетида (Россия), Киев Миллий университетида, (Украина), Қозоғистон давлат университетида, Юқори молекуляр бирикмалар институтида (Қозоғистон), Полимерлар кимёси ва физикаси институтида (Ўзбекистон), Ўзбекистон Миллий университетида олиб борилмоқда.

Карбоксил гуруҳи тутган синтетик полимерларга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор натижалар олинган, жумладан: қорамол зардоби альбумини билан полиэлектролит комплекслар олиш усуллари, пептидларни сувсиз эритмаларда боғлаш услуби яратилган (Hunter College of the City University of New York, АҚШ); оксиароматик бирикмалар ва полиэлектролитлар орасида янги турдаги комплекслар олинган (University of Surrey, Буюкбритания); туберкулёзга, ўсимтага қарши ва бошқа доривор моддалар билан поликомплекслар олиш усуллари ишлаб чиқилган (Юқори молекуляр бирикмалар институти, Москва давлат университети, Россия; Albors University of Medical Sciences, Эрон); қимматбаҳо, нодир ва оғир металлларга нисбатан селектив сорбентлар олиш учун уларнинг таркибида ҳам асос, ҳам кислота гуруҳлари бўлиши кераклиги аниқланган (University of Florida, АҚШ; Engineering and Technology Aligarh Muslim University, Ҳиндистон); юқори сорбцион хусусиятга эга, термик ва кимёвий барқарор ион алмашинувчи материаллар олиш усуллари ишлаб чиқилган (Max-Planck-University of Technology, Sydney, Австралия; Catalytic Materials Science, Хитой; Сирт кимёси институти, Украина).

¹ Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <http://www.works.doklad.ru>, <http://www.km.ru>, www.dissercat.com, <http://www.fundamental-research.ru>, Moulay S. Chemical modification of poly(vinyl chloride) - Still on the run// J. Progress in Polymer Science. 2010. Vol. 35. -P. 303-331. ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Дунёда карбоксил гуруҳи тутган полимерлар олиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш ва ишлатилиш соҳаларини кенгайтириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ветеринарияда ишлатиладиган полимер шаклли дори воситаларини яратиш; уларнинг турларини кўпайтириш ва тиббий-биологик хоссаларини яхшилаш; биологик фаол моддаларни ажратиш ва тозалаш; термик ва кимёвий барқарор ион алмашинувчи материаллар олиш; селектив сорбентлар олиш ҳамда қатор экологик муаммоларни ҳал қилиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирда полимерларнинг турли соҳаларда қўллаш йўналишидаги илмий-тадқиқот ишлари жадал ривожланмоқда. Уларни тиббиётда, биологияда, гидрометаллургияда қўллаш илмий йўналишининг ривожидан Н.А. Платэ, В.А. Кабанов, Г.В. Самсонов, А.Б. Зезин, Е.Ф. Панарин, Б.Н. Ласкорин, Х.У. Усмонов, Й. Чен, М. Фукуда, А. Ёшида, Б.А. Жубанов, Е.А. Бектуров, Е. Орбан, Дж. Маттеус, С. Грунер, Т. Ешиока, М. Огата, Т. Сузукилар катта хизмат қилган ва бошқа илмий мактаблар ҳам сезиларли ҳисса қўшган. ПВХни модификациялаш, хоссаларини яхшилаш ва ишлатилиш соҳаларини кенгайтириш йўналишида S. Moulay, N. Biak, T. Yoshinaga, A. Jimenez, T. Kameda, Ю.А. Золотов ва бошқа олимларнинг олиб борган илмий изланишларини эътироф этиш керак. Бу икки соҳада ҳам юртимизнинг йирик олимлари академиклар Ҳ.У. Усманов, К.С. Ахмедов, М.А. Асқаров, С. Ш. Рашидова, С.С. Негматов, Ў.Н. Мусаев, А.Т. Джалилов ва уларнинг шогирдлари томонидан олинган илмий тадқиқот натижалари республикамиз халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг қўлланилмоқда.

Аmmo ҳозирда юртимиз фармацевтика бозорини, айниқса, ветеринария амалиётида кўп ишлатиладиган дори воситалари, жумладан антипрозоёлар билан тўлдириш долзарб вазифа ҳисобланади, шунингдек, ПВХни модификациялаш усулларини ишлаб чиқиш соҳасида олиб бориладиган илмий тадқиқотлар, уни Республикамизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилаётганини назарга олинса, муаммонинг илмий-амалий аҳамиятини яққол белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ИОТ-2012-6-1 «Молларнинг пироплазмоз касалликларини даволаш ва профилактикаси имконини берувчи дори воситасини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш» инновацион лойиҳаси (2013-2014 йй.), А-12-34 «Гидрометаллургияда ва саноатда сув тайёрлашда ишлатиш учун поливинилхлорид асосида кучсиз асосли анионитлар олиш усулларини ишлаб чиқиш» амалий лойиҳаси (2015-2017 йй.) ҳамда 22/2010 «ОТМК технологик эритмаларидан ион алмашинувчи материаллар билан нодир металлларни ажратиш олиш имкониятларини ва технологиясини тадқиқ қилиш» (2010-2011 йй.), 34/2010 АЖ «NAVOIYAZOT» 14 цехи оқава сувларидан мис ионларини ушлаб қолиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2010-2011 йй.) хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади таркибида карбоксил гуруҳи тутган сувда эрийдиган ва эримайдиган полимерларнинг мақсадли синтези, уларнинг физик-кимёвий, тиббий-биологик хоссаларини ва қуйи молекуляр бирикмалар билан таъсирлашиш жараёнларини аниқлаш, улар асосида антипротозой хоссали дори воситасини олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Дипропионат 3,3-бис-(2-имидазолинил-2)-карбанилид (имидокарб)нинг полиметакрил кислотаси (ПМАК) билан комплекс ҳосил қилиш жараёнининг ўзига хос томонларини, поликомплекснинг таркиби ва тузилишини, жараёнда термодинамик кўрсаткичларнинг ўзгаришини аниқлаш;

имидокарбнинг ПМАК билан поликомплексининг ҳайвонларга зарарсизлиги ва улар физиологиясига таъсирини тадқиқ этиш ҳамда протозой касалликларида даволаш қобилиятини аниқлаш;

имидокарбнинг ПМАК билан поликомплексининг («ПОЛИКАРБ» дори воситасинг) инъекцион шаклини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга татбиқ қилиш;

аминосирка, аминокапрон, о-, м-, п-аминобензой кислоталари билан ПВХни полимераналогик ўзгартиришлар билан ион алмашиниш хоссаларига эга сорбентлар олиш ҳамда уларнинг шаклини ва тузилишини аниқлаш;

ишлаб чиқилган сорбентларнинг доривор моддаларни иммобиллашда ва биологик фаол моддаларни тозалашда ҳамда сувнинг қаттиқлигини юмшатишда ион алмашинувчи материал сифатида ишлатиш имкониятларини илмий асослаш натижасида тавсиялар бериш.

Тадқиқотнинг объекти МАК, ПМАК, N,N'-метилен-бис-акриламид, имидокарб, имидокарб билан ПМАК поликомплеksi, ветеринария дори воситаси «ПОЛИКАРБ», ПВХ, аминосирка, аминокапрон, о-, м-, п-аминобензой кислоталари, ПВХни модификациялаб олинган полиамфолитлар, турли тузлар ва эритмалардан иборат.

Тадқиқотнинг предмети иммобиллаш, фармакологик хоссалар, кимёвий модификациялаш, идентификациялаш, физик-кимёвий хоссалар, сорбция, десорбция, жараёнлар кинетикаси ва термодинамикаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда комплекс замонавий физик-кимёвий тадқиқот усуллари - спектроскопик, микроскопик, потенциометрик, вискозиметрик, спектрофотометрик, дифрактометрик ва комплекс фармакологик тадқиқотлар ҳамда ПВХни полимераналогик реакцияларининг математик статистик таҳлили қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор полиметакрил кислотасининг ва комплекс туз – дипропионат 3,3-бис-(2-имидазолинил-2)-карбанилиднинг поликомплекслари синтез қилинган;

имидокарб полиметакрил кислотаси билан таъсирлашганда, кимёвий тузилишининг сақланиб қолиши ва унинг полимерда иммобилланишида кооператив боғланиши исботланган;

илк бор полиметакрил кислотаси ва имидокарбнинг юқори концентрацияли эритмалари ўзаро таъсирлашганда имидокарб молекулаларининг полимер комплекслари шаклида 1-турли фазовий ўтиш имкониятлари аниқланган;

органик молекуласи қарши иони табиатининг полиэлектролитлар билан таъсирлашиш жараёнларига таъсир қилиши исботланган;

илк бор поливинилхлоридни аминосирка, аминокапрон, о-, м-, п-аминобензой кислоталари билан модификациялаб донадор сорбентлар олишнинг муқобил шароитлари топилган;

поливинилхлоридни аминокислоталар билан модификациялашда аминогуруҳнинг асослилигидан ташқари қўшни функционал гуруҳларнинг фазовий жойлашиши ҳам таъсир қилиши исботланган;

поливинилхлоридни аминосирка ва м-аминобензой кислоталари билан модификациялаш реакцияларининг регрессия тенгламалари тузилган ва ушбу жараёнларга турли омилларнинг таъсир даражаси аниқланган;

поливинилхлоридни аминокислоталар билан модификациялаш билан олинган сорбентларнинг физик-кимёвий хоссалари, техник-ишлатиш кўрсаткичлари ва тузилиши ҳамда морфологияси аниқланган;

олинган сорбентларнинг доривор моддаларни иммобиллашда асос сифатида ва биологик фаол моддаларни тозалашда ҳамда сувнинг қаттиқлигини юмшатишда ион алмашинувчи материал сифатида ишлатиш имкониятлари асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

имидокарбнинг ПМАК билан поликомплекси «ПОЛИКАРБ» дори воситасининг меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва уни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган;

ветеринария амалиётига янги, кам зарарли ва узок таъсир қилувчи антипротозой дори воситаси «ПОЛИКАРБ» киритилган;

амин ва карбоксил тутган донадор ион алмашинувчи сорбентлар олинди ҳамда уларнинг физик-кимёвий хоссалари, техник-ишлатиш кўрсаткичлари аниқланган;

ишлаб чиқилган сорбентларнинг доривор моддаларни иммобилизациялашда, биологик фаол моддаларни тозалашда ва ичимлик сувининг қаттиқлигини юмшатишда ишлатилиш имконияти тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Замонавий физик-кимёвий усуллар ва натижаларни кинетик ва термодинамик жараёнларнинг қонуниятларида қўлланиладиган тенгламалар ҳамда математик таҳлил билан ҳисоблаш илмий ечимлар ва хулосаларнинг асослилигини таъминлайди. Олинган натижаларнинг исботи мутахассисларнинг эксперт баҳолари, олинган натижаларнинг амалиётда қўлланилаётгани ва олинган патентлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти карбоксил гуруҳи тутган полимерлар асосида узок таъсир қилувчи дори воситалари ҳамда ПВХ асосида ион алмаши-

нувчи материаллар олиш натижалари йўналишларидаги методологик-услубий ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «ПОЛИКАРБ» янги дори воситасининг синтез технологияси, меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилганлиги, уни саноат миқёсида ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилганлиги ва ветеринария амалиётига киритилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, ПВХни модификациялашни тадқиқ қилиш натижалари саноат миқёсида маҳаллий сорбентлар олиш технологиясини ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Карбоксил гуруҳи тутган полимерларнинг олиш, уларни физик-кимёвий хоссалари ва ишлатилиш соҳаларини ўрганиш натижалари асосида:

узоқ антипротозой таъсир қила оладиган полиметакрил кислотаси ва 3,3-бис-(2-имидозолинил-2)-карбанилиднинг поликомплексини олиш усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№ IAP 04616, 2012й.). Натижада импорт ўрнини босувчи, кам зарарли, узоқ антипротозой таъсир қилувчи ветеринария дори воситаси олиш технологияси яратилган;

амин ва карбоксил гуруҳлари тутган полиамфолитлар олиш усули учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро патенти олинган (№ IAP 05281, 2016 й.). Натижада ичимлик сувининг қаттиқлигини юмшатиш, биологик фаол моддаларни ажратиш ва тозалашда қўлланиладиган сорбентлар олишнинг осон ва содда усулини яратиш имконини берган.

яратилган «ПОЛИКАРБ» дори воситаси Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси тизимидаги муассасаларда қорамоллар пироплазмидозларини даволаш ва унинг олдини олиш бўйича амалиётга жорий этилган (Давлат ветеринария қўмитасининг 2017 йил 30 августдаги 02/24-192 сон маълумотномаси). Натижада давомий таъсир қилувчи ва кам зарарли «ПОЛИКАРБ» дори воситасини қўллашда профилактик самарадорлик 99% бўлишига эришилган.


Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро симпозиумда, 4 та МДХ мамлакатларида ўтказилган анжуманларда ва 7 та республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Шунингдек, V инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларнинг Республика ярмаркасида иштирок этган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 2 та ихтирога патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертациянинг таркиби кириш, 6 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 179 бетни ташкил этади.


системасига ҳам йўналтириш мумкин. Илгари турли физик-кимёвий усуллар ва фармакологик тадқиқотлар билан азидинни иммобилизациялашга полимер ташувчининг табиати ва макромолекуляр хоссаларининг таъсири аниқланган эди. Диссертация ишида ПМАКни имидокарбнинг узок таъсир қилувчи шаклини олиш мақсадида қўллаш имконияти кўрсатилган.

ПМАКнинг имидокарб билан таъсирлашишини потенциометрик усулда ўрганиш асосида (1-расм) электростатик таъсирлашиш кўрсаткичлари: $\theta_1 = D[H^+]/[P] = 2,79\%$ ва $\theta_2 = D[H^+]/[ЛВ] = 47,00\%$ ҳисобланди, улардаги карбоксил гуруҳларнинг жуда кам қисми асос молекулаларини боғлашда қатнашганлиги ва бунда системага киритилган аминларнинг ярмига яқини полимер занжири билан боғланган бўлишидан далолат беради (полимер комплекси дори моддаси билан тўйинмаган ва у ҳали сувда эрийдиган нисбатларда).



1-расм. ПМАК имидокарб билан потенциометрик титрлаш эгриси (1) ва суюлтириш таъсири бўлмагандагиси (2).


Таъсирлашишнинг алоҳида турлари хиссасини аниқлаш учун вискозиметрия ва гравиметрия усуллар билан полимернинг дори моддаси (ДМ) билан таъсирлашиш жараёни: КСІ сувли эритмаси, сув-метанол, сув-диметилсульфоксид (ДМСО) системаларда тадқиқ қилинди. Ион кучининг ошиши ПМАК макромолекулалари ионизациясининг тўсилиши ҳисобига



2-расм. Турғун ютиш шароитида сувли-органик модда эритувчиларида имидокарбнинг ПМАКга боғланиш боғлиқлиги: сув-метанол (1) ва сув-ДМСО (2). Имидокарб/ПМАК нисбати 0,24 моль/асос-моль., $T=308K$.


эритма қовушқоқлигининг қонуний камайишига олиб келади. Ион кучининг катта қийматларида макромолекулаларнинг конформацион сиқилиши ва поликомплекснинг бузилиши оқибатида полимернинг ва полимер комплексининг қовушқоқлиги бир бирига яқин бўлиб қолади. Сув-ДМСО системасида полимер ва полимер комплексининг нисбий қовушқоқлиги яқин қийматларга эга бўлиши, сув-метанол системаларида эса улар катта фарқ қилиши аниқланди. Имидокарбнинг ПМАКга боғланишининг эритувчи табиатиға боғлиқлигини турғун ютиш услубида тадқиқ қилиш натижалари сув-органик модда эритувчиларида ДМ иммобилизациясининг камайишини тасдиқлади (2-расм).

3-расмда имидокарбнинг ПМАК билан полимер комплексининг ИҚ-спектри келтирилган. Полимер комплексининг ИҚ-спектрини имидокарб ва ПМАК спектрлари билан солиштириш натижасида $1500\text{-}3500\text{ см}^{-1}$ оралиғидаги ютилиш соҳаларида частоталарнинг ўзгариши аниқланди. Масалан, $3200\text{-}3400\text{ см}^{-1}$ оралиғида кенг ютилиш соҳаси кузатилишини полимер комплекси компонентлари орасида ўзаро молекулалараро водород боғлари ҳосил бўлишига йўйиш мумкин. Имидокарб ИҚ-спектридаги субстанция кетон гуруҳининг 1714 см^{-1} да ютилиши полимер комплекси ИҚ-спектридаги ПМАКнинг карбонили билан ёпилади, шунинг учун полимер комплекси ИҚ-спектрида бир вақтда максимумнинг камайиши ва ютилиш соҳасининг кичикроқ частотали 1703 см^{-1} соҳага силжиши кузатилади. Шу билан бирга ПМАК ИҚ-спектрининг 2605 см^{-1} соҳасида, поликислота гидроксил гуруҳларининг валент тебранишларига тааллуқли, имидокарбнинг спектрида эса 2683 см^{-1} соҳада аминогуруҳнинг асимметрик тебранишига тааллуқли ютили-



3-расм. Имидокарбнинг ПМАК билан полимер комплекси ИҚ-спектри. Шундай қилиб, имидокарбнинг ПМАК билан боғлашни ўрганишнинг физик-кимёвий усуллари натижалари, унинг иммобилизациясида полимер ва ДМ ионланган гуруҳлари орасидаги электростатик таъсирлашиш асосий роль ўйнашини, кейин ДМ ва полимер орасидаги водород боғлари ва ниҳоят, кучсиз гидрофоб таъсирлашишлар уларни тўлдиришини кўрсатди.

Визуаль ва «Evos XL Cote» инвентирлашган фазовий-контраст микроскопида – тўрт марта, ўн марта, йигирма марта, қирқ марта катталаштириб тадқиқ қилиш орқали полимер комплекси концентрациясининг умумий камайишида эритма тиниқ қолиши ва факат концентрация ҳамда ДМ/ПМАК нисбати ошганда эритмада суспензия ҳосил бўлиши аниқланди (4-расм). Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, имидокарб таркибидаги қарама қарши ионни туз кислотасига алмаштирилганда система компонентларнинг ҳар қандай нисбатида тиниқ ва гомогенлигича қолади. Бундан ташқари ўрганилган имидокарб-ПМАК жуфтлигида реагентларнинг концентрланган эритмалари таъсирлашганда дастлаб макромолекулаларнинг органик дикатионлар билан чокланиши кузатилади. Комплекслашиш бошлангандан 20 дақиқа ўтгач макромолекулаларнинг полимер комплекслари шаклида сув фазасидан ажралиб чиқишини (1-турдаги фазовий ўтиш) яққол тиниқ кристал конъюгатлар ҳолида кўриш мумкин (4-расм). Бунда, макромолекулалар бир-



4-расм. ПМАК/имидокарб комплексининг 4, 10, 20, 40 марта катталаштирилган микроскопик расмлари. ПМАК 3% 2,0 мл, имидокарб 16,6% 0,8 мл. ПМАК/ДМ=1:2 г/г. 1-ПМАК эритмаси; 2 – комплекслашишнинг бошланиши; 3 -, 4-, 5- ва 6- мос равишда 5, 15, 30 ва 180 дақиқа комплекслашиш ўтгандан кейин.

бирига нисбатан паралель жойлашган бўлади, кейинчалик органик дикатионларнинг макромолекулалар орасидаги ораликқа киришининг кўпайиши натижасида органик ионларни макромолекулаларнинг фаол функционал гуруҳлари билан таъсирлашиши ҳисобига, полимернинг ионланган карбоксил гуруҳларини кўп миқдорда тўсилиши содир бўлади. Таъсирлашиш бошлангандан 180 дақиқа ўтгач ҳеч қандай ташқи таъсирсиз системада макромолекулалар глобуляр (юмалок) заррачалар ҳосил қилади, бу эса етарли даражада барқарор коллоид ҳолатнинг пайдо бўлишига олиб келади (4-расм).

Поликомплекс чиқишининг ДМ/ПМАК бошланғич нисбатига боғлиқлигини тадқиқ қилиб полимер комплексида ДМ молекулаларининг иммобиллашиши унинг эритмадаги концентрацияси ошишига мутаносиб равишда кўпайиши аниқланди. Аммо ДМ/ПМАК=0,6 моль/асос-моль нисбатидан бошлаб ва ундан катталарида органик молекулаларнинг комплексидаги миқдори ўзгармай қолиши ва унинг чўктирилган комплексидаги энг юқори миқдори 0,15 моль/асос-мольдан ошмаслиги полимер тагликнинг органик ионлар билан тўйинганлигидан гувоҳлик беради.

Имидокарбнинг полимер билан таъсирлашиши натижасида ажралиб чиққан пропион кислотасини потенциометрик титрлаш натижалари асосида 3,3-бис-(2-имидазолинил-2)-карбанилиднинг ПМАК билан комплексининг мустаҳкамлик константаси қиймати $5,555 \cdot 10^4$ л/мольга тенглиги ҳисоблаб топилди, бу қиймат органик молекулаларнинг полимер ташувчи билан етарлича мустаҳкам боғлиқлигини кўрсатади.

Моделлаштириш ва УБ-спектроскопия усулидан фойдаланиб ДМ/ПМАК кичик нисбатларини тадқиқ қилиш учун таркибида чокловчи агент N,N'-метилен-бис-акриламид 2%-дан ошмаган, ПМАК асосидаги гидрогеллар синтез қилинди. Имидокарбнинг гидрогель билан сорбциясини сувда текис бўккан гидрогелларда турғун шароитда ўрганилди. Сорбциянинг кинетик эгри чизиклари анъанавий кўринишга эга. Жараённинг бошида ДМ молекулаларининг ПМАК макромолекулалари билан тўлиқ ва тез боғланиши, 3 соатдан кейин эса полимер ташувчининг органик катион билан тўйиниши кузатилди.

Олинган натижаларни Ленгмюр-Клотц услубида таҳлил қилиш орқали

$$\frac{1}{\Gamma} = \frac{1}{n \cdot K_{\text{бш}}} \cdot \frac{1}{C} + \frac{1}{n}$$

тенгламадаги $K_{\text{бш}}$ ва n қийматлари график усулда топилди. Ҳароратнинг кўтарилиши $K_{\text{бш}}$ ва n қийматларининг кўпайишига олиб келиши аниқланди, бу тадқиқ қилинаётган жараённинг кимёвий характерга эгалигидан далолат беради. Топилган $K_{\text{бш}}$ қийматлари асосида ДМ чокланган ПМАК билан ютилиш жараёнининг термодинамик катталиклари ҳисобланди (1-жадвал). 1-жадвалдан кўришиб турганидек, тадқиқ қилинаётган жараён ўз-ўзидан боради, буни эркин энергиянинг манфий қиймати кўрсатиб турибди.

1-жадвал

Имидокарбнинг чокланган ПМАК асосидаги гидрогеллари билан сорбциясининг термодинамик катталиклари

T, K	n	$K_{\text{бш}} \cdot 10^4$, л/моль	ΔG , Дж/моль	ΔH , Дж/моль	ΔS , Дж/моль·K
293	5,26	12300	-22928,385	-3636,1	65,84
301	10,00	14600	-22097,475		61,33
311	16,67	28700	-21081,558		56,09

Энтальпиянинг камайишини ДМ ионлари билан полимер орасидаги таъсирлашишнинг кооперативлиги билан тушунтириш мумкин. Энтропиянинг кўпайишини бир молекула имидокарб* иммобилизацияланганда икки молекула пропион кислотаси ҳамда ДМ органик молекулалари сольват қобиғидаги сув молекулаларининг ажралиб чиқиши билан тушунтириш мумкин.

Диссертациянинг «**Полиметакрил кислотасининг имидокарб билан полимер комплексининг фармакологик хоссалари**» деб номланган учинчи бобида физик-кимёвий тадқиқотлар асосида ишлаб чиқилган имидокарб билан ПМАК инъекцион шаклининг, таркибида 40 мг/мл ДМ ва 60 мг/мл полимер бўлган «ПОЛИКАРБ» дори воситасининг, фармакологик синов натижалари келтирилган. Дастлабки моддалар ва поликомплекснинг зарарлилигини ўрганиб имидокарб ва ПМАКнинг сувли эритмаларини аралаштириб кам зарарли дори шаклини олишнинг принципиал имкониятлари кўрсатилди (2-жадвал), бу ДМнинг полимер комплексдан ажралиб чиқиши ва биотрансформациясининг секинлашиши билан боғлиқ.

2-жадвал

Оқ сичқонларда аниқланган имидокарб-ПМАК полимер комплексининг ўткир зарарлилиги.

Дори воситаси	ЛД ₅₀ , мг/кг
Полиметакрилоил кислотаси	950(820-1100)
Имидокарб	87(70-120)
Поликомплекс имидокарб-ПМАК «ПОЛИКАРБ»	600(360-840)

«ПОЛИКАРБ» дори воситасининг ҳайвонлар функцияларига таъсири сичқонларда, каламушларда, мушукларда, итларда ва қуёнларда ўтказилди². Ўтказилган комплекс фармакологик тадқиқотларда: хронологик зарарлилигини тадқиқ қилиш, периферик қон таркибига, қоннинг биологик кўрсаткичларига, марказий ва вегетатив асаб тизимига, артериал босим ва нафас олишга, жигар, буйрак функцияларига ва бошқалар тадқиқ қилинганда тажриба ва назорат гуруҳлардаги ҳайвонларнинг ўзини тутишида ва физиологиясида яққол фарқ аниқланмади. Олинган натижалар ушбу дори воситасини ГОСТ 12.1.007 бўйича 3-синф зарарсиз моддалардан деб ҳисоблашга асос бўлди ва кенг миқёсда қўллашга тавсия қилишга имкон берди.


«ПОЛИКАРБ» дори воситасининг профилактик таъсири «Махсам-Chirchik» ОАЖнинг чорвачилик хўжалигида (Тошкент вилояти) в.ф.н. А.Т. Раҳимов бошчилигида 30 та қорамолда ва «Насл хизмат» бирлашмасида (Қашқадарё вилояти) Ўзбекистон ветеринария илмий-тадқиқот институти

²Фармакологик тадқиқотлар ЎзР дори воситалари ва тиббиёт техникасини назорат қилиш Бош бошқармаси фармакология лабораториясида т.ф.д., проф. Мусаев М.У. раҳбарлигида ўтказилди.

катта илмий ходими, в.ф.н. Ў.Қ. Сагтаров томонидан 200 дан ортиқ йирик шохлик қорамолларда синаб кўрилди. «ПОЛИКАРБ» дори воситаси 100 кг тирик вазнга 5 мл миқдорда ҳайвонларнинг пироплазмидоз касалликларида ҳам даволовчи, ҳам профилактик таъсир қилиши аниқланди.

Юқорида келтирилган комплекс физик-кимёвий ва фармакологик тадқиқотлар асосида МЧЖ «AGRO BIO KIMYO» мутахассислари билан ҳамкорликда меъёрий хужжатлар тайёрланди ва тасдиқланди. Ҳозирги вақтда «AGRO BIO KIMYO» МЧЖда йилига 60000 қути «ПОЛИКАРБ» дори воситаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди (амалиётга тадбиқ қилиш далолатномаси 2013 йил 22 ноябрда тасдиқланган) ва ветеринария амалиётига тадбиқ қилиш амалга оширилмоқда (ЎЗР давлат ветеринария Қўмитаси маълумотномаси 30.08. 2017 йил).

Диссертациянинг «Поливинилхлорид асосида аминкарбоксил тутган полиамфолитлар олиш» деб номланган тўртинчи бобида полимер макромолекуласига моддаларни амин гуруҳи орқали киритиб ПВХни модификациялаш тадқиқотларининг натижалари келтирилган. Модификацияловчи реагентлар сифатида аминосирка, аминокапрон, орто-, мета-, пара-аминобензой кислоталари танлаб олинди, натижада полиамфолит хусусиятига эга бўлган сорбентлар олинди. Полиамфолитлар саноат ПВХдига турли кимёвий структурали аминокислоталар натрийли тузларининг сувли эритмаларига ҳар хил ҳароратда таъсир эттириб олинди. Бу жараённи схематик тарзда қуйидагича тасвирлаш мумкин:



бунда R=CH₂; (CH₂)₅; орто-, мета-, пара-фенил ҳалқаси.

Тадқиқ қилинган моддалар билан ПВХни модификациялаш реакцияларини тасдиқлаш учун олинган маҳсулотларнинг азот тутган функционал гуруҳлар звеноси миқдорини кўрсатувчи HCl бўйича статик алмашиниш сифими (САС) аниқланди. Модификацияловчи агент концентрациясининг ошиши билан маҳсулот унуми ҳамда полиамфолитлар САС қийматларининг ошиши аниқланди (3-жадвал). Ушбу реакцияларда системадаги модификацияловчи реагент концентрациясининг ошиши билан ўзгаришлар даражасининг кўпайишини таъсирлашувчи компонентлараро таъсирларнинг ошиши билан тушунтириш мумкин. Олинган натижалар ПВХни модификациялаш реакциясининг боришига модификацияловчи реагентлар табиати ва кимёвий тузилиши яққол таъсир қилишини кўрсатди. Масалан, модификацияловчи реагент тузилишида фенил гуруҳининг мавжудлиги унинг реакцион қобилиятига катта таъсир қилади, буни аминосирка кислотасига нисбатан асослигининг камайиши билан тушунтириш мумкин. Модификациялашда оҳолат<м-ҳолат<п-ҳолатга мувофиқ фойдаланилганда ўзгаришлар даражасининг камайишини стерик омилнинг самараси билан тушунтириш мумкин,

аммо классик органик кимёдан маълумки, аминотурухларнинг асослиги структурада карбоксил турухларининг о-ҳолат>м-ҳолат>п-ҳолатига мувофиқ ошиб боради.


3-жадвал

ПВХнинг модификациялаш жараёнига модификацияловчи моддалар концентрациясининг таъсири (Т=433К, реакция вақти 7 соат, ванна модули =1:20. Барча тажрибаларда полимернинг дастлабки оғирлиги 1 г).

Концентрация, %	Олинган маҳсулотнинг массаси, г.	Ўзгариш даражаси, %	САС НСИ бўйича, мг-экв/г
Аминосирка кислотаси			
5	1,30	11,5	2,28
10	1,31	12,0	2,39
15	1,38	13,5	2,71
20	1,38	13,5	2,71
25	1,42	14,0	2,82
Аминокапрон кислотаси			
5	1,18	15,8	2,02
10	1,21	15,8	2,02
15	1,24	18,0	2,31
20	1,24	18,0	2,31
25	1,24	18,0	2,31
Орто-аминобензой кислотаси			
5	1,08	9,0	1,11
10	1,18	10,7	1,32
15	1,17	11,3	1,38
20	1,20	11,3	1,38
25	1,20	11,3	1,38
Мета-аминобензой кислотаси			
5	1,11	12,5	1,59
10	1,19	13,0	1,62
15	1,20	13,5	1,68
20	1,20	13,5	1,68
25	1,24	13,5	1,68
Пара-аминобензой кислотаси			
5	1,29	16,0	2,00
10	1,34	17,3	2,12
15	1,34	17,3	2,12
20	1,39	17,0	2,10
25	1,40	17,3	2,12

Ўрганилган ПВХни аминокислоталар билан модификациялаш реакциялари гетероген жараёнлардир ва уларда реакция тезлиги факат суёқ

фазада бўлган модда концентрациясига боғлиқ бўлади. Натижалар асосида ўзгаришлар даражасининг модификацияловчи реагентлар концентрациясига логарифмик боғлиқлиги тузилди (5-расм), улардан ушбу реакциялар тезлиги модификацияловчи реагентлар концентрацияси тартиби ПВХ – аминосирка, ПВХ - аминокапрон, ПВХ - о-аминобензой, ПВХ - м-аминобензой, ПВХ - п-амино- бензой кислотлари системаларида 0,75; 0,5; 0,2; 0,2; 0,2 ларга мос эканлиги ҳисоблаб топилди.



5-расм. ПВХни (1) аминосирка, (2) аминокапрон, (3) орто-, (4) мета-, (5) пара-аминобензой кислоталари билан модификациялаш реакцияларида ўзгариш даражасининг модификацияловчи реагент концентрациясига логарифмик боғлиқлиги. ($T=433K$, $\phi = 7$ соат, ванна модули=1:20).

Олинган маҳсулотларнинг идентификацияси ИҚ-спектрларни олиш билан тасдиқланди. $550-850\text{ см}^{-1}$ соҳасида ПВХдаги C-Cl гуруҳларига мувофиқ келувчи валент тебранишларнинг камайиши бу гуруҳларнинг макромолекулаларда камайиши исботидир. $3200-3600\text{ см}^{-1}$ соҳасида ютилишнинг кенгайиши карбоксил гуруҳи билан ПВХни модификациялашда ҳосил бўлган >NH гуруҳлари орасида молекулалараро водород боғларининг ҳосил бўлиши натижасидир.

Танлаб олинган моддалар билан ПВХни модификациялаш реакцияларининг энг муқобил ҳароратлари тадқиқ қилинди ва аниқланди. Реакциялар бошланғич ПВХни модификацияловчи реагентлар натрийли тузларининг 15% сувли эритмаларини 7 соат давомида $T=373, 393, 413, 433, 453K$ да киздириш орқали олиб борилди. Ҳамма тадқиқ қилинган системаларда ҳароратнинг кўтарилиши билан маҳсулот унуми ва синтез қилинган ионитларда САС 433Кгача ошиб бориши аниқланди. Ҳарорат 433Кгача кўтарилганда ионит унумининг камайиши ПВХ макромолекулаларида деструктив жараён (НСI чиқиши) натижасида полимерда фаол функционал гуруҳларнинг камайиши билан тушунтирилди.

Олинган натижалар асосида ўзгаришлар даражасини ҳароратнинг тескари қийматиға боғлиқлиқ графиги тузилди, ундан тадқиқ қилинган системаларнинг фаолланиш энергиялари (E) ҳисобланди, уларнинг қийматлари ПВХ – аминосирка, ПВХ - аминокапрон, ПВХ - о-аминобензой, ПВХ - м-аминобензой, ПВХ - п-аминобензой кислоталари системаларида:

5,9; 6,5; 7,7; 7,3; 7,1 кДж/мольга мос равишда тенг. Тадқиқ қилинган реакцияларнинг аниқланган фаолланиш энергиялари аминосирка ва аминокапрон кислоталари бўлганда аминогуруҳнинг асослик кучини ҳамда аминобензой кислотаси изомерлари бўлганда қўшни функционал гуруҳларнинг стерик омили ПВХни модификациялашнинг тадқиқ қилинган жараёнларига таъсирини яна бир бор исботлайди.

ПВХни тадқиқ қилинган модификацияловчи реагентлар билан модификациялаш реакцияларини ўтказиш 7 соат давомида ҳамда ванна модули 1:20 муқобил эканлиги аниқланди. Реакциянинг боришига эритувчининг таъсири сув-спирт-глицерин қаторида гидрофобликнинг ошиши билан яхшиланиб бориши кўрсатилди. Буни сувдан-спиртга-глицеринга ўтганда макромолекулалар орасининг очилиши, конфигурацион, конформацион ва устмолекулалар эффектлар ўзгариши билан тушунтириш мумкин.

ПВХнинг аминосирка ва м-аминобензой кислоталари билан модификациялаш реакциялари тажриба натижаларининг статистик математик таҳлили ЎЗМУ математика факультети катта илмий ходим-изланувчиси Н.С. Нурмухамедова билан ҳамкорликда ўтказилиб, қуйидаги кўрсаткичлар киритилди: харорат (X_1); модификацияловчи модда концентрацияси (X_2); реакциянинг бориш вақти (X_3); олинган модификацияланган материал бўйича – САС (Y). ПВХни аминосирка (1) ва м-аминобензой кислотаси (2) билан кимёвий модификациялаш реакциялари учун ҳисоблаб чиқилган регрессия тенгламаларида:

$$Y = 0,02 X_1 + 0 X_2 - 0,1X_3 + 0,2 \quad (1)$$

$$Y = 0,055 X_1 - 0 X_2 - 0,445 X_3 - 3,49 \quad (2)$$

X_2 кўрсаткичи олдидаги қиймат 0га тенг, чунки тадқиқ қилинаётган реакциялар гетероген бўлгани сабабли реакция давомида ПВХнинг концентрацияси ўзгармайди. Кўп миқдорда олинган намуналарнинг физик-кимёвий кўрсаткичларини келтирилган статистик математик таҳлил натижалари билан солиштириш уларнинг тўла мутаносиблилигини кўрсатди.

Диссертациянинг «**Ишлаб чиқилган аминкарбоксил тутган полиамфолитларнинг хоссаларини тадқиқ қилиш**» деб номланган бешинчи бобида КСС-Г (модификацияловчи агент б-аминосирка кислотаси - «глицин») ва КСС-МА (модификацияловчи агент м-аминобензой кислотаси) сорбентларининг тадқиқот натижалари келтирилган. Физик-кимёвий тадқиқот натижалари ишлаб чиқилган карбоксил гуруҳи тутган сорбентларнинг саноатда ишлатиладиган меърий хужжатларда келтирилган усулларда аниқланган кўп техник-ишлатиш хоссалари саноатда ишлатиладиган ионитлар талабларига мос келишини кўрсатди (4-жалвал).

Янги тадқиқ қилинаётган сорбентнинг энг муҳим технологик кўрсаткичларидан бири унинг кимёвий барқарорлигидир. 5% HNO_3 , NaOH ва 10% H_2O_2 сувли эритмаларини олинган сорбентларнинг ютиш хоссаларига таъсирини тадқиқ қилиш натижаларига асосланиб синалган сорбентлар кучли кислоталар, ишқорлар ва оксидловчилар таъсирига юқори даражада барқарор


эканлигини таъкидлаш мумкин. Бу уларнинг турли муҳитларда ишлатилишини таъминлайди ва ишлатилиш соҳаларини белгилаш имконини беради.

4-жадвал


КСС-Г и КСС-МА сорбентларининг техник хоссалари (реакция давомийлиги – 7 соат, системани иситиш ҳарорати 438К, модификацияловчи реагентнинг концентрацияси 20%, ванна модули 1:20 г/мл).

ПВХнинг массаси, г	Реакция маҳсулотининг массаси, г	Маҳсулотнинг ранги	Модификацияланиш, %	Донадорлик таркиби, мм	САС, НСІ бўйича мг-экв/г	Намлик, %	Солиштирма ҳажм, см ³ /г	Тўлдириш зичлиги, г/см ³
КСС-Г								
30,012	30,0048	Оч жигарранг	21,74	0,06-0,15	2,12	35,75	1,8267	0,5470
КСС-МА								
30,006	30,0024	Оч жигарранг	23,69	0,06-0,15	2,31	33,11	2,0107	0,4962


Олинган сорбентлар заррачалари шаклининг тадқиқотини Emperian Series 2 (Panalytical Holland) дифрактометрида ва ZEISS EVO MA Series Scanning Electron Microscope асбобида турли хилдаги катталаштиришларда ўтказилди. Кутилганидек, тадқиқ қилинган ПВХни аминокислоталар билан модификациялаш реакцияларида олинаётган сорбентларнинг шаклига эри-




а)



б)



в)



г)

6-расм. Сорбент КСС-Г (а, б) ва сорбент КСС-МА (в, г) заррачаларининг микрофотографиялари.


тувчининг табиати кучли таъсир қилар экан. Олинган расмлардан (6-расм) заррачаларнинг бўлаклари силлиқлашган юмалоқ шаклларга ва чуқурликларга эга эканлиги кўриниб турибди. Тажрибада ПВХни тадқиқ қилинган реагентлар билан модификацияланганда заррачаларнинг ҳажми кичиклашиши аниқланди.

Олинган сорбентларнинг ИҚ-спектроскопик тадқиқотларини Фурье - инфрақизил спектрометрида Nicolet iS50 (Thermo Fisher Scientific) ўтказилди. Аминокислоталар билан модификацияланган ПВХнинг ИҚ-спектрида иккиламчи аминокислоталарнинг деформацион тебранишларига хос бўлган $3383,55 \text{ см}^{-1}$ ютиш соҳаси яққол кўринади, бундан ташқари 1725 см^{-1} яқинида карбонил гуруҳининг валент тебранишларига хос бўлган ютиш соҳаси пайдо бўлади. Модификацияловчи реагент сифатида м-аминобензой кислотаси ишлатилганда у $1713,5 \text{ см}^{-1}$ соҳага силжийди, ҳамда $1601,14 \text{ см}^{-1}$ соҳада бензол ҳалқасининг деформацион тебранишларига хос бўлган янги чўққи пайдо бўлади, модификацияловчи реагент сифатида глицин ишлатилганда у $1735,17 \text{ см}^{-1}$ соҳага силжийди.

